

**Гадоев Э.Ф.,**

иқтисод фанлари номзоди, доцент

# БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ 2016 ЙИЛ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

---

## **ГАДОЕВ Э.Ф. БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ 2016 ЙИЛ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет-солиқ сиёсати ва ундаги ўзгаришлар, шу билан бир қаторда тадбиркорлик фаолиятини солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган ислохотлар акс эттирилган.

Таянч иборалар: солиқ сиёсати, солиқ, имтиёз, тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, солиқ маъмурчилиги, бюджет, рағбатлантириш.

---

## **ГАДОЕВ Э. Ф. ОСНОВНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ НАЛОГОВО-БЮДЖЕТНОЙ ПОЛИТИКИ НА 2016 ГОД И ЕЕ РОЛЬ В ПОДДЕРЖКЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

В статье приводятся ключевые направления изменения налогово-бюджетной политики в 2016 год, и ее роль в стимулировании предпринимательской деятельности.

Ключевые слова: налоговая политика, налоги, льготы, предпринимательство, семейное предпринимательство, налоговое администрирование, бюджет, стимулирование.

---

## **GADOEV E. THE MAIN DIRECTIONS OF THE TAX AND PUBLIC BUDGETORY POLITIC FOR 2016 AND THE ROLE IN ENREPRENEURSHIP SUPPORT.**

There is provided in the article the basic changes in tax politic of the country, and that directions to support of enterpreneurship development.

Keywords: taxes, tax politic, graces, eterpreneurship, tax administering, public budget, stimules.

**Республикамизда амалга оширилаётган солиқ сиёсатини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва иқтисодиётда тутган ўрнини ошириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Иқтисодий барқарорликка эришиш бевосита шу мамлакатнинг молиявий кўрсаткичлари, аҳолининг яшаш шароити, иш кучининг салоҳиятига қараб баҳоланади.**

Айтиш жоизки, ушбу фаолиятларни амалга ошириш молиявий маблағларни талаб этади. Шундай экан, солиқ сиёсатини либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Тадбиркорлик фаолиятида учраётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ва солиқлар воситасида рағбатлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари улушининг барқарорлигига эришиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, бугунги кунда мамлакатимизда «Тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, янги тартиб бўйича, агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланганидан сўнг 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликка тортилмайди»<sup>1</sup>. Бу

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 15 январь.

эса тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, тадбиркорларнинг ўз ишларини амалга оширишларида қулайликлар яратилиб борилишидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг кўрсатмалари ва Солиқ кодексига мувофиқ қабул қилинган солиқ сиёсатидаги асосий эътибор солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, унинг шаффофлигини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкини босқичма-босқич пасайтиришга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва тақдим этилган солиқ-бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари концепцияси Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатаси томонидан, ўрнатилган икки палаталик қонун тартибларига кўра кўриб чиқилиб маъқулланди. Маъқулланган бюджет-солиқ сиёсати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги қарори билан 2016 йилдаги солиқ ставкалари тасдиқланди. Шунингдек, Солиқ кодексига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Солиқ сиёсатидаги 2016 йилдаги асосий янгиликлар ҳам худди ана шу йўналишлардан келиб чиққан.

Жумладан, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва фуқаролар даромадларига солиқ юкини пасайтириш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг иккинчи шкаласи, яъни энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача бўлган амалдаги 8,5 фоизли ставка 1 фоизга пасайтирилиб, 7,5 фоиз миқдорида белгиланди.

Маълумки, кейинги йилларда хусусий ва кичик тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига улуши сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Шунингдек, аҳолининг сифатли хизмат кўрсатишга бўлган талабининг йилдан йилга ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларига солиқ юкини пасайтириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкаси амалдаги 6 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Амалиётда, 2016 йилга қадар, чакана савдо корхоналарига тааллуқли бўлган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, шунингдек, алкогольли ва тамаки маҳсулотлари сотувчи чакана савдо корхоналари учун фаолият юритиш жойига қараб, ягона солиқ тўловининг табақалаштирилган ставкалари тўланар эди.

Ушбу солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини соддалаштириш, шу билан бирга, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мақсадида нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газни сотувчи автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, шунингдек, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини сотувчи чакана савдо корхоналари учун фаолиятни юритиш жойидан қатъи назар, бир хилдаги, яъни 4 фоизли ягона солиқ тўлови ставкасини белгилаш орқали унификация қилинди.

Давлат бюджети даромадларида сезиларли салмоққа эга бўлган ҳамда истеъмол бозорида айрим товарлар нархларининг асоссиз ошиши олдини олишга хизмат қилувчи билвосита солиқлардан бири, яъни акциз солиғи ставкалари ҳам алкогольли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари бўйича ўртача 5-20 фоиз миқдорда индексация қилинган.

Солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ҳамда акциз солиғини тўловчи корхоналар учун пул оқимлари ҳисоби ва мониторингини юритиш ҳамда унинг самарали йўналишларини тезкор белгилаш имкониятини яратиш мақсадида акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва

солиқ тўлаш тартиби ҳам соддалаштирилди, яъни ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўлаш тартиби белгиланди.

Бунда корхоналарнинг бухгалтерия ходимлари учун қулайлик яратилади, яъни солиқ солиш объекти акциз тўланадиган товарлар ҳақиқатда реализация қилинган ҳажми ҳисобланишини инобатга олган ҳолда акциз солиғи ҳам қўшилган қиймат солиғи билан бир хилда ҳақиқатда қилинган реализация ҳажмидан тўланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 2016 молия йили учун 5 фоиз миқдорида белгиланди.

Жисмоний шахсларнинг кўчмас мол-мулкига солинадиган солиқ учун 2016 йилда мол-мулкнинг инвентаризация қийматидан келиб чиқиб, прогрессив ставкалар белгиланди. Бунда улар 200 кв. метргача бўлганда асосий солиқ ставкаси 1,5 фоиз миқдорда белгиланди. Шаҳарларда 200 кв. метрдан 500 кв. метргача – 1,8 фоиз, 500 кв. метрдан юқорисига 2,5 фоиз миқдорда солиқ ставкаси ўрнатилган. Бошқа аҳоли пунктларида эса 200 кв. метрдан юқорисига 1,8% фоизли ставка белгиланди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг инвентаризация қийматидан келиб чиқиб, бироқ йилига 45 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда тўлаш тартиби назарда тутилган.

Табийий ресурслардан самарали ва оқиллона фойдаланишни таъминлашда албатта ресурс солиқларининг ҳам роли катта. Ресурсларни тежамли ишлатиш мақсадида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 2016 йилда олдинги йилдагидан 5 фоиз кам, яъни 20 фоиз миқдорда индексация қилинган. Худди шунингдек, ердан унумли фойдаланиш мақсадида, ер солиғи ставкаси ҳам 15 фоизга индексация қилинган.

Маълумки, халқимиз дастурхонига озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи асосий тармоқ, яъни фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари соддалаштирилган тартибдаги солиқ

тўловчилар, яъни ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ер майдонларини қайта баҳолаш ва ягона ер солиғи ставкасини қишлоқ хўжалиги ерларининг қайта ҳисобланган норматив қийматига нисбатан 2015 йилдаги 6 фоиз ўрнига 2016 йилда 0,95 фоиз миқдорида белгиланмоқда.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ ставкалари 1 литр бензин, дизель ёқилғиси учун 335 сўм, 1 литр суюлтирилган газ учун 230 сўм ва 1 куб метр сиқилган газ учун 275 сўм миқдорда белгиланган.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2015 йилдаги миқдорларда сақлаб қолинган. Шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг 2015 йилдаги ставкалари сақланиб қолинган.

Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида, ягона ижтимоий тўловнинг амалдаги ставкасини сақлаб қолган ҳолда фуқароларнинг суғурта бадаллари ставкасини амалдаги 7 фоиздан 0,5 фоизга ошириб, 7,5 фоиз миқдорида белгилаш кўзда тутилган.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳар ойда тақдим этилиши корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ходимлари учун қатор қулайликларни яратади.

Жумладан, ходимларнинг иш ҳақи тўловлари ва суғурта бадалларининг оймаой ҳисобланиши ҳамда худди шу иш ҳақи фондидан йил чораги бўйича ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш билан боғлиқ ноқулайликларнинг олди олинади, шунингдек, иш ҳақи ва унга нисбатан ҳисобланадиган тўловларнинг бухгалтерия ҳисоби дастурий маҳсулини соддалаштиради.

Юқоридагилар билан бир қаторда, Солиқ кодексига солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, Солиқ кодексининг 59, 61 ва 62-моддаларига киритилаётган ўзгартиришлар жисмоний шахсларга мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш учун хабарнома уларга берилганлиги тасдиқланган ҳолда топширилиши ва бу бир вақтнинг ўзида солиқни тўлаб бериш тўғрисидаги талабнома вазифасини ҳам бажаришини белгилайди.

Шунинг учун давлат солиқ хизмати органлари томонидан фуқароларга мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати тугаганидан кейин юбориладиган солиқ қарзини ундириш юзасидан талабнома бекор қилиниши назарда тутилган.

Солиқ сиёсатининг 2016 йил учун асосий йўналишларида, солиқ тўловчи камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан судга мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Шу муносабат билан Солиқ кодексининг 96-моддасига киритилаётган ўзгартириш давлат солиқ хизмати органи камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган солиқ тўловчиларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан судга ариза билан мурожаат этишга ҳақли эканлигини назарда тутди.

Солиқ кодексининг 114-моддасига киритилган ўзгартириш кирим қилинмаган товарлар учун қўлланиладиган молиявий жаримани енгиллаштиришни, яъни унинг миқдорини кирим қилинмаган товарлар суммасининг 100 фоизи миқдоридан 20 фоизга (беш мартага) камайтиришни назарда тутди.

Солиқ кодексининг 179-моддасига киритилган ўзгартиришлар солиқ солинадиган

иш ҳақи ва бошқа даромадлар суммалари олинган ипотека кредитлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда, солиқ солишдан озод этиш бўйича имтиёзни қурувчи шахсларнинг мазкур кредитлар бўйича биргаликдаги қарз олувчи ҳисобланувчи оила аъзолари (эр, хотин, ота-она, фарзандлар) га нисбатан татбиқ этилишини белгилайди.

Шунингдек, Солиқ кодексига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли фармонида келиб чиқадиган тегишли қўшимчалар ҳам киритилди.

Жумладан, акциядорлик жамиятлари чет эллик ходимларининг бошқарув ходими сифатида ўз фаолиятдан олган даромадлари жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлашдан озод қилинганлиги ҳамда акциядорлик жамиятларининг бошқарув ходимлари сифатида

жалб қилинган чет эллик ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинганлиги меъёри киритилди.

Шунингдек, акциядорлар, акциядорлик жамиятининг фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича, ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда акциядорларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олиниши белгиланди.

Юқорида қайд этилган 2016 йилнинг бюджет-солиқ сиёсатида белгиланган янгиликлар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, инвестиция муҳити жозибадорлигининг ошишига ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланишига хизмат қилади.

---

---

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2455-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 52-сон, 646-модда.

2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 15 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Расмий нашр. – Т.: «Адолат», 2014. -692-б.

4. Гадоев Э.Ф., Кузиева Н.Р., Ашурова Н.Б., Ўрмонов Ж.Ж. Юридик шахсларни солиққа тортиш. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2013. –592-б.

5. Гадоев Э.Ф., Кузиева Н.Р., Ашурова Н.Б. Солиқ сиёсати стратегияси. – Т.: «El-press», 2013. -272-б.

6. Гадоев Э.Ф. Солиққа тортиш тартиб-таомилларини соддалаштириш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили. // «Иқтисод ва молия» журнали, 2015 йил, 1-сон.